

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайхи васаллам:

«Сизларни нимадан кайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар. Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан кудратингиз етганини қилинг. Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайгамбарларига хилоф қилишлари халок қилгандир», дедилар ».

Шарх: Бу ҳадиси шариф бобнинг Суннатни маҳкам тутиш қисмига мувофиқдир. Чунки Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг кайтарганларидан қайтиб, буюрганларини қилиш—Суннатни маҳкам тутиш деганидир.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам Ўз зоти шарифларидан содир бўлган наҳйи ва амрларга сиз билан биз—У кишининг умматлари қандок муносабатда бўлишимиз лозимлигини баён қилмоқдалар. Ҳадиснинг иккинчи қисмида эса, бу ишга нотўғри муносабатда бўлиш ҳалокатга олиб қелишини айтиб огохлантirmoқдалар.

«Сизларни нимадан кайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар», дейдилар Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳадиснинг бошида. Демак, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам бизларни нимадан кайтарган бўлсалар, биз ҳеч гап-сўзсиз дархол ўша нарсадан четда бўлишимиз, у нарсага умуман яқинлашмаслигимиз керак бўлади. Эҳтибор берайлик: Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам: «Ундан четда бўлинглар», демоқдалар, «Ундан қайтинглар, уни қилманглар», деганлари йўқ. Четда бўлиш қайтиш ва қилмасликдан кўра, қучлироқ ишдир. Бир нарсани қилмаслик ёки ундан қайтиш унинг яқинига бормаслик ёки атрофида юрмасликни ифода қилмайди. Четда бўлишлик эса, умуман яқин йўламасликни билдиради. Шунинг учун шариатимизда бирор нарсадан қайтарилган бўлса, ўша нарсанинг сабабчилари ва атрофидаги нарсаларидан ҳам қайтарилган бўлади.

Мисол учун, арок ҳаром қилинган—унга тегишли ҳамма нарса, яхни, уни тайёрлаш, олиб қелиш, сотиш, ичганлар билан ўтириш ва бошқалар ҳам ҳаром ҳисобланади.

Шунингдек, зино ҳаром қилиниши билан унга сабаб бўлувчи ва унга тегишли бошқа нарсалар ҳам ҳаром қилинган. Шу сабабли шариат қайтарган нарсалардан узокда бўлиш жуда муҳимдир.

Ҳадиснинг давомида Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам:

«Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан кудратингиз етганини қилинг», дейдилар. Ўз-ўзидан маҳлумки, бундан фарз ва вожиб амаллар мустаснодир. Чунки бу амалларни ҳеч кам-кўстсиз бажаришни Аллоҳ таолонинг Ўзи амр қилгандир. Бундай амалларни қучим, кудратим етганича қиламан, чарчаб қолсам, қолаверади, деб бўлмайди.

Мисол учун: «Тўрт вақт намозни ўқийман-у, бомдодга қелганда узр, уйғонишим қийин», де-йилмайди.

Фарз ва вожиб амаллардан ташқари, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам амр қилган ишларни қўлдан қелганича қилинаверади. Гапни қўпайтириб, сўраб-суриштириб ўтирилмайди. Мўмин-мусулмон инсоннинг вазифаси—ўз Пай-гамбари Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга итоат қилиш, у зот соллаллоху алайхи васалламнинг Суннатларини маҳкам ушлаш. Уларни муҳокама қилиш, сўраб-суриштириш эмас. Зотан, тажрибанинг кўрсатишича, бундок нотўғри иш ҳеч қачон яхшилик қелтирмайди.

Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳадиснинг давомида қуйидагиларни

тахкидламоқдалар:

«Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайгамбарларига хилоф килишлари халок килгандир», дедилар».

Мусулмонлардан олдин ўтган кўпгина умматлар буйрук ва кайтарикларни эшитгандан сўнг индамай амал килиб кетавермай, саволларни кўпайтириб юборганлари учун халок бўлганлар.

Шунингдек, ўз пайгамбарларига хилоф килганлари учун халок бўлишган. Мусулмонлар ҳам ўшаларга ўхшаб, халок бўлмайлик, десалар, Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг амр ва наҳйиларига сўзсиз амал килсинлар, саволни кўпайтирмасинлар. У зот соллаллоху алайхи васаллам кайтарган нарсадан четда бўлсинлар, у зотнинг фарз ва вожибдан бошка амрларига имконлари борича амал килсинлар, асло Мухаммад соллаллоху алайхи васалламга хилоф килмасинлар.

Ушбу хадисдан олинандиган фойдалар:

1. Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам кайтарган нарсалардан четда бўлиш.
2. Мухаммад соллаллоху алайхи васалламнинг амрларига имкон борича амал килиш (Фарз ва вожиблар бундан мустасно).
3. Шариат амрларини иккиланмай амалга ошириш.
4. Бехуда саволларни кўпайтирмаслик.
5. Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга ҳеч қандай хилоф килмаслик.
6. Ўтган умматларнинг халок бўлишига сабаб бўлган ишларни килмаслик.

Мусулмонлар бу хадиси шариф хикматига ҳозирда ҳар қачонгидан ҳам мухтождирлар. Чунки уларнинг аксарияти Мухаммад соллаллоху алайхи васаллам кайтарган нарсадан кайтмайдиган, у зот соллаллоху алайхи васаллам амр килган ишларни эса килмайдиган бўлиб кетганлар. Мусулмон номини даҳво килиб юрганлардан бахзилари шариат ҳукмлари тўғрисида турли шак-шабхали саволларни кўпайтиришдан тўхтамайдилар. Уларнинг Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга хилоф килишлари кўп. Бу нарсаларнинг ҳаммаси халокатга учраш йўлидир. Халокатга учрамаслик учун тезда ўзимизни ўнглаб олишимиз лозим.

Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф